

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВ ШАВКАТЖОН ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ХУРУЖСИМОН ТУРДА КЕЧУВЧИ ШИЗОФРЕНИЯНИНГ КЛИНИК
ПРОГНОЗИ ВА РЕЦИДИВЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исламов Шавкатжон Хабибуллаевич

Хуружсимон турда кечувчи шизофрениянинг клиник

прогнози ва рецидивлар профилактикаси..... 5

Исламов Шавкатжон Хабибуллаевич

Клинический прогноз и профилактика рецидивов

шизофрении с приступообразным типом течения..... 34

Islamov Shavkatjon Khabibullaevich

Clinical prognosis and prevention of recurrence of

schizophrenia with paroxysmal course..... 64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВ ШАВКАТЖОН ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ХУРУЖСИМОН ТУРДА КЕЧУВЧИ ШИЗОФРЕНИЯНИНГ КЛИНИК
ПРОГНОЗИ ВА РЕЦИДИВЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1816 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аграновский Марк Лейзерович
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жўраева Моҳигул Азимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100. Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100. Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+998) 74-223-94-50).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Х.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.С. Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида бугунги кунда шизофрения касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар энг долзарб ҳисобланади, касалликнинг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари ўрганилмоқда, бу борада тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шизофрения - бу генетик ва атроф-муҳит омилларининг мураккаб ўзаро таъсирига боғлиқ бўлган мултифакториал касаллик. Ушбу касалликнинг ривожланишида ирсият муҳим рол ўйнайди ва замонавий тадқиқотлар шизофрения аниқ белгиланган генетик фонга эга бўлган касалликлар гуруҳига тегишли эканлигини тасдиқлайди. Дунёда шизофрения касаллигининг тахминан 1% ни ташкил этадиган юқори тарқалиши тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади. Шизофрения касаллиги турлари ичида хуружсимон (эпизодик) шизофрения улуши жуда юқори ва барча шакллар орасида 43-52% ни ташкил қилади. Кўпгина беморларда касаллик эрта намоён бўлиши (18-30 ёш), тез-тез кўзғалишлар билан сурункали кечиши, ижтимоий изоляция ва ҳаёт сифат даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу муносабат билан, эпизодик шизофрения прогнозини ва узоқ муддатли натижаларга таъсир қилиши мумкин бўлган профилактика чораларининг самарадорлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида ўрганилаётган илмий-тиббий адабиётлар ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган материаллар таҳлили шуни кўрсатдики эпизодик шизофрениянинг асосий клиник шакллари ўрганилган, аммо эпизодик шизофрениянинг эрта клиник прогнозида шахснинг ижтимоий ва преморбид хусусиятлари ва клиник омиллар мажмуасининг роли ва прогностик аҳамияти ўтмишда етарлича ўрганилмаган. Юқорида айтилганларнинг барчаси эпизодик шизофрения ремиссиялари етарли даражада ўрганилмаганлиги, шунингдек, ушбу шартларнинг клиник кўринишини, динамикасини, прогнозини ва тегишли ижтимоий-терапевтик тадбирларни ўрганиш муҳимлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ҳизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликни олдини олиш»¹ каби вазифалар белгиланган. Жумладан: «... психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали бошқариш механизмининг жорий этиш, рухий касалликларни даволаш, профилактика ишларини ташкил этиш ва эрта аниқлашнинг вертикал

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

интеграциялашган тизимини шакллантиришни таъминлаш; ... республиканинг ҳар бир ҳудудида аҳолининг барча тоифалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун юқори сифатли ва қулай психиатрия ёрдамини таъминлаш,... »² каби вазифалар белгиланган. Бу каби вазифаларни амалга ошириш тананинг умумий ва иммунологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда касаллик юзага келганда, рухий-ижтимоий омилларнинг таъсирида, клиник белгиларнинг кечишида беморни даволаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга, бу эса ўткир касалликнинг ўткир босқичини тезда бартараф этишга ҳамда касаллик ва ногиронликни профилактикаси ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019-йил 13-февралдаги ПҚ-4190-сонли “2019–2025-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлик хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кенг қамровли адабиётларда кўрастилган омилларнинг таъсирига боғлиқ равишда шизофрениянинг кечиш хусусиятларига оид деярли ҳеч қандай фундаментал ишлар мавжуд эмас, генетик материалда олиб борилган баъзилари бундан мустасно, [Аграновский М.Л., 2015, 2018], биринчи цикли ва кейинги хуружларининг хусусиятларини қиёсий ўрганишга, касалликнинг бошланиши, эндоген ва экзоген омилларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ ҳолда эрта ташхис қўйиш ва прогнозини ўрганиш юзасидан махсус ишлар учрамайди.

Шизофрения билан оғриган ёш беморларнинг улушини кўпайиши тенденцияси, тез-тез қайталанишга мойиллиги, шахсиятнинг ўзгариши тез кучайиши ва ногиронликнинг юқори даражаси жиддий муаммо ҳисобланади [Назимова С.В. 2018]. Ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения ҳолатларида прогноз эҳтиёткорлик билан бўлиши керак: кўп йиллик кататоник-васвасали хуружлардан кейин кеч ремиссиялар, шунингдек, кўп йиллик ремиссиялардан кейин такрорий оғир хуружлар кузатилиши мумкин [С.Н. Мосолов, 2010].

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.03.2018 йилдаги ПҚ-3606-сонли “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Кўпгина тадқиқотлар, одатда, шизофрениянинг коморбид ҳолатларини фақат икки хил йўналтирилган касалликнинг механик бирикмаси сифатида кўриб чиқади, ташқи омилларнинг таъсирига ва касалликнинг ўзига хос турига кам эътибор беради. Шу сабабли, бундай коморбид ҳолатларнинг клиник ва психопатологик хусусиятларини чуқур ўрганиш муҳимлигини таъкидлаш керак, чунки бу шизофрения диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштиришга ёрдам беради, шунингдек, беморни парвариш қилишда индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу муносабат билан, клиник прогнозни ўрганиш ва эпизодик турда кечувчи шизофрениянинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш замонавий психиатриянинг долзарб муаммосидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларда эпидемиологияни ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» (№ПЗ-201205194) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади- клиник прогноз омилларини ўрганиш ва хуружсимон (эпизодик) шизофрениянинг рецидивларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқот вазифалари:

хуружсимон (эпизодик) шизофрения билан оғриган беморларнинг ижтимоий-преморбид шахс хусусиятлари мажмуасининг прогностик қийматини аниқлаш (ирсият, преморбид, экзогенциялар, касалликнинг бошланиш ёши, маълумоти, касбий малакаси, оилавий аҳволи).

шизофрениянинг эрта клиник прогнозини аниқлаш учун касалликнинг 1-цикли клиник омиллар мажмуасининг прогностик аҳамиятини ўрганиш (бошланғич давр, бошланиш табиати, клиник кўриниш ва дастлабки (манифест) хуружнинг давомийлиги, биринчи ремиссиянинг клиник хусусиятлар ва давомийлиги).

касалликнинг клиник прогнозни аниқлаш учун хуружсимон (эпизодик) шизофрениянинг клиник параметрларини аниқлаш (ўтказилган хуружларнинг клиник хусусиятлар ва сони, кейинги ремиссияларнинг клиник хусусиятлар ва давомийлиги, беморларнинг текширув вақтидаги аҳволи).

эпизодик шизофрения билан оғриган беморларда рецидивларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш (ремиссияларда қувватловчи терапия, унинг мунтазамлиги, адекватлиги, самарадорлиги, психотерапия, ижтимоий ва меҳнатга мослашиш, оилавий ўзаро муносабатларнинг ҳолати).

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти психоневрология диспансерида рўйхатга олинган, Андижон шаҳрида яшовчи касаллик бошланганига 20 йилдан ортиқ вақт ўтган, 322 нафар хуружсимон (эпизодик) шизофрения билан оғриган бемор.

Булардан 154 (47,8%) нафар беморда эпизодик ремиттирловчи шизофрения (ЭРШ) ташхиси қўйилган, улардан 78 (50,6%) эркаклар, 76 (49,4%) аёллар.

168 (52,2%) беморда ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения (ЎБНЭШ) ташхиси қўйилган, улардан 84 (50,0%) эркаклар, 84 нафари (50,0%) аёлларни ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предметини эпизодик шизофрениaning клиник прогнозини аниқлаш учун клиник ва эпидемиологик жиҳатларни аниқлаш ва ижтимоий-преморбид ва клиник омиллар мажмуасининг факторли таҳлилин итказиш билан комплекс даволаш-профилактика ёндашуви натижалари таҳлили ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Вазифаларни бажариш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун клиник-эпидемиологик, клиник-психопатологик, клиник-анамнестик, клиник-катамнестик ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эпизодик кечувчи шизофрениaning эрта клиник прогнозини аниқлаш учун шахсиятнинг ижтимоий ва преморбид патологик характер хусусиятлари мавжуд эмаслиги (37,3%) ва манифестнинг кеч юзага келиши (52,8%) ва касалликнинг эрта бошланиши (33,8%) ноқулай прогностик омиллар эканлиги аниқланган.

касалликни эрта клиник прогнозини аниқлаш учун касалликнинг 1-цикли клиник омиллар мажмуасининг депрессив бузилишларнинг устунлиги (40,1%) билан касалликнинг ўткир бошланиши (63,3%), прогностик қийматлари исботланди.

шизофрениaning кечиш ва ривожланиши ремиссиядаги ифодаланмаган психопатологик бузилишлар ва текширув вақтидаги барқарор ремиссия ҳолатлари (51,8%) қулай прогноз билан боғлиқлиги асосланди

беморларнинг ушбу гуруҳида касалликнинг рецидивларини олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ижтимоий ва преморбид хусусиятлари мажмуасини батафсил ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш бизга касалликни клиник башоратида батафсил ёндашиш ҳамда унинг кейинги динамикаси ҳақида прогностик маълумотларни олиш имконини беради, бу ҳақда билиш беморларни диспансер кузатувининг оптимал режимини ташкил этишга ёрдам беради;

беморларнинг ижтимоий-меҳнат мослашувига таъсир қилувчи омилларнинг бутун мажмуасини ўрганиш аҳолида шизофрения прогнозини яхшироқ баҳолаш имконини беради. Ижтимоий-меҳнат мослашишнинг шаклланган даражасини сақлаб қолишга ёрдам берадиган ва унинг пасайишига олиб келадиган омиллар мажмуаси аниқланди. Уларни билиш амбулатория шароитида беморларнинг ижтимоий-меҳнат мослашувининг бузилиши (дезадаптация)ни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини энг мақбул тарзда амалга ошириш имконини беради;

ишлаб чиқилган чора-тадбирлар руҳий беморларни реабилитация қилишнинг биопсихосоциал моделига асосланади, унга кўра реабилитация жараёни психофармакотерапия, психотерапия ва психосоциал таъсирдан иборат. Беморлар билан психотерапевтик ишда реабилитация жараёнида нафақат беморнинг ўзини, балки унинг оиласини ҳам жалб қилган ҳолда когнитив-хулқ-атвор терапиясига устунлик берилди (оилавий психиатрия - истиқболли профилактика йўналишини жорий этиш).

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, клиник-эпидемиологик, клиник-анамнестик, клиник-психопатологик, катамнестик ва статистик усулларнинг ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослангани ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, натижа ва хулосалар исботли тиббиёт тамойилларига асосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот давомида шизофрениянинг бошланиши ва кейинги хуружлари ривожланишининг патогенетик механизмлари аниқланди, прогностик жиҳатдан муҳим омиллар аниқланди, бу касалликни эрта аниқлашга, рецидивлар сонини камайтиришга ва амбулатория шароитида реабилитация чораларини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти касаллик даврида содир бўлган жараённинг ривожланиш даражасини башорат қилиш қобилияти (касаллик хуружлари сони, касалликнинг биринчи циклининг клиник хусусиятлари ва давомийлиги, кейинги ҳуружлар ва ремиссиялар, касалликнинг кечиш вариантлари) беморнинг “юқори хавфли” гуруҳларни аниқлаш ва оила аъзоларининг 1-даражали қариндошлиги бўлган яқинларидаги руҳий касалликларни эрта ташхислаш учун асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил “15”ноябрдаги б1/41у -сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 29 декабрдаги б1-37/Х-сон хати юборилган).

1-Илмий янгилик.

Илмий янгиликнинг моҳияти: эпизодик кечувчи шизофрениянинг эрта клиник прогнозини аниқлаш учун ижтимоий ва преморбид шахсий хусусиятлар мажмуасининг прогностик қиймати аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: клиник кузатиш ва клиник анамнестик усуллардан фойдаланиб ижтимоий ва преморбид шахсият хусусиятлари ўрганилган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: «Эпизодик кечувчи шизофрениянинг биринчи циклининг прогностик қийматини баҳолаш учун даволаш ва профилактика алгоритми» мавзусидаги услубий қўлланмани

Фарғона вилоят психоневрология шифохонаси (№ 93/1 28 ноябрь 2023 йил), Наманган вилоят психоневрология шифохонаси (№65-А/ф 29 ноябрь 2023 йил) ва Андижон вилоят психоневрологик диспансери (№118 27 ноябрь 2023 йил) амалий фаолиятига жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган беморлар гуруҳида қуйидаги салбий ижтимоий преморбид омиллар аниқланди: ирсиятнинг оғирлашиши - (73,3%), шизоидли преморбид шахс хусусиятлари - (36,3%), касаллик бошланишдаги экзогенциялар - (58,4%), касалликнинг кеч бошланиши (30 ёшдан кейин) - (52,8%), тўлиқ бўлмаган ўрта таълимдан кам маълумотга эга шахслар - (38,8%), малакасиз қўл меҳнати билан шуғулланувчи шахслар - (31,3%) ва турмуш қурмаганлар - (46,9%).

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган беморлар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинади. Ҳар бир бемор 12 ой давомида камида бир маротаба стационар даволаниш ва доимий амбулатор терапияси олишлари шарт, бу эса бир беморга ўртача 15,6 млн. сўмни ташкил этади (Андижон вилоят психоневрология диспансери 2023 йил (йиллик) бухгалтерия хисоботларига асосан). Шундай қилиб, эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган бир беморни стационарда даволаш давлатга ўртача 10,9 млн. сўмга тўғри келади. Шунингдек, бундай беморларнинг амбулатор даволаниши учун ўртача 4,7 миллион сўм маблағ сарфланмоқда. Илмий изланишлари натижаси юзасидан ишлаб чиқилган психопрофилактик алгоритм асосида олиб борилган профилактик чоралар натижасида ҳар бир беморга сарфланаётган давлат маблағларини 2 баробаргача тежаш имконини берган.

Хулоса: Демак, бир беморни касалхонада даволаш ўртача 10,9 млн. сўмни ташкил этади, шунингдек, бундай беморларни амбулатор даволаш учун ўртача 4,7 млн. сўм сарфланади, эпизодик шизофрениaning ўткир хуружларининг олдини олиш ва касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш, ўз навбатида, давлат харажатларини ҳар бир бемор хисобидан 7,8 млн. сўмдан тежаш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил “15”ноябрдаги б1/41и -сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 29 декабрдаги б1-37/Х-сон хати юборилган).

2-Илмий янгилик.

Илмий янгиликнинг моҳияти: эпизодик кечувчи шизофрениaning эрта клиник прогнозини аниқлаш учун касалликнинг 1-циклидаги клиник омиллар мажмуасининг прогностик қиймати аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: касалликнинг 1-циклининг клиник омилларининг клиник-катамнестик ва клиник-анамнестик усулларини қўллаш орқали ўрганилган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: «Эпизодик кечувчи шизофрениянинг биринчи циклининг прогностик қийматини баҳолаш учун даволаш ва профилактика алгоритми» мавзусидаги услубий қўлланмани Фарғона вилоят психоневрология шифохонаси (№ 93/1 28 ноябрь 2023 йил), Наманган вилоят психоневрология шифохонаси (№65-А/ф 29 ноябрь 2023йил) ва Андижон вилоят психоневрологик диспансери (№118 27 ноябрь 2023йил) амалий фаолиятига жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: натижаларни амалиётга тадбиқ қилиш эрта ташхис, касалликнинг биринчи циклининг давомийлиги, ётоқ кунлари сонини, ногиронлик даражасини камайтириш, ремиссия сифатини яхшилаш, умр кўриш давомийлиги ва сифатини оширишга ўз хиссасини қўшади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган беморлар давлат томонидан ижтимоий ёрдамга олинади, Бир курс билан бир беморни касалхонада даволаш ўртача 10,9 млн. сўмни ташкил этади. Шунингдек, бундай беморларни амбулатор даволаш учун ўртача 4,7 миллион сўм сарфланади (*Андижон вилоят психоневрология диспансери 2023 йил (йиллик) бухгалтерия хисоботларига асосан*). Ишлаб чиқилган психопрофилактик алгоритм асосида клиник-катамнестик ва клиник-анамнестик усуллари қўллаш орқали олиб борилган диагностик чоралар натижасида, касалликнинг эрта аниқлаш ва олдини олишга эришиш орқали хар бир беморга сарфланаётган давлат маблағларини 2 баробар тежаш имконини берган.

Хулоса: демак, эпизодик кечувчи шизофрениянинг биринчи циклидаги беморларни даволаш учун ўртача 15,6 млн.сўм сарфланади, эпизодик кечувчи шизофрениянинг 1-циклини қисқартирилши ўз навбатида давлат харажатларини икки баравар тежаш, 7,8 млн. сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

3-Илмий янгилик.

Илмий янгиликнинг моҳияти: эпизодик кечувчи шизофрениянинг кечиш ва ривожланиш тезлиги вариантлари ўрганилди ва аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: клиник-психопатологик ва клиник-катамнестик усуллардан фойдаланган ҳолда ремиссиялардаги психопатологик белгиларга қараб клиник прогностик клиник мезонлари аниқланди, эпизодик кечувчи шизофрениянинг клиник вариантлари ва ривожланиш суръатлари аниқланди ва тавсифланган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: «Эпизодик кечувчи шизофрениянинг биринчи циклининг прогностик қийматини баҳолаш учун даволаш ва профилактика алгоритми» мавзусидаги услубий қўлланмани Фарғона вилоят психоневрология шифохонаси (№ 93/1 28 ноябрь 2023 йил), Наманган вилоят психоневрология шифохонаси(№65-А/ф 29 ноябрь 2023йил) ва Андижон вилоят психоневрологик диспансери (№118 27 ноябрь 2023йил) амалий фаолиятига жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: амалиётга киритиш натижалари асоратлар ва хатолар сонини минималлаштиришга ёрдам берди,

беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, касалликнинг хуружлари давомийлигини қисқартириш, даволаниш кунларининг сонини, ногиронлик даражасини камайтириш, ремиссия давомийлигини ошириш ва эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: бир беморни касалхонада даволаш ўртача 10,9 млн. сўмни ташкил этади Шунингдек, бундай беморларни амбулатор даволаш учун ўртача 4,7 млн. сўм сарфланади (*Андижон вилоят психоневрология диспансери 2023 йил (йиллик) бухгалтерия хисоботларига асосан*). Эпизодик кечувчи шизофрениaning клиник вариантлари ва ривожланиш суръатларини аниқлаб, даволаш-профилактик чора-тадбирларини амалга ошириш ҳар бир беморга сарфланаётган маблағларнинг 2 баробар тежаш имконини берган.

Хулоса: демак, эпизодик шизофрениaning ўткир хуружларининг олдини олиш, касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш ва ремиссия муддатини узайтириш, ўз навбатида, давлат харажатларини 2 баробар тежаш имконини беради.

4-Илмий янгилик.

Илмий янгиликнинг моҳияти: касалликнинг рецидивларини олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган

Илмий янгиликнинг аҳамияти: қиёсий клиник ва эпидемиологик маълумотларга асосланиб, эпизодик кечувчи шизофрения билан оғриган беморларда эндоген ва экзоген омиллар мажмуасининг касалликнинг бошланиши, биринчи цикли ва кейинги хуружлари ривожланиш хавфидаги ролини динамик ўрганиш амалга оширилган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: «Эпизодик кечувчи шизофрениaning биринчи циклининг прогностик қийматини баҳолаш учун даволаш ва профилактика алгоритми» мавзусидаги услубий қўлланмани Фарғона вилоят психоневрология шифохонаси (№ 93/1 28 ноябрь 2023 йил), Наманган вилоят психоневрология шифохонаси (№65-А/ф 29 ноябрь 2023 йил) ва Андижон вилоят психоневрологик диспансери (№118 27 ноябрь 2023 йил) амалий фаолиятига жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ҳозирги вақтда шизофрения билан оғриган беморларни биринчи психотик эпизод билан реабилитация қилишда замонавий антипсихотик дорилар билан психофармакотерапия, психотерапевтик ва психосоциал аралашув усулларини ўз ичига олган жамоавий интеграциялашган ёндашув тан олинган ва самарали хисобланади. Ўрганилаётган аҳолининг замонавий хусусиятларини, ижтимоий ва меҳнатга мослашуви ва ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда биз табақалаштирилган реабилитация дастурларини ишлаб чиқдик. Диагностика алгоритмларини қўллаш самарадорлиги эрта ташхис қўйиш ва биринчи циклининг эпизодик тури билан шизофрения учун психофармакотерапияни тўғри танлашда намаоён бўлади, бу ўз ўрнида асоратлар ва қолдиқ кўринишларнинг олдини олишга, ногиронлик ва психоневрологик диспансерда ётоқ кунларини қисқартиришга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш психофармакотерапия харажатларини камайтиришга боғлиқ (қимматроқ антипсихотикларнинг такрорий рецептлари, шунингдек, асоратлар ва қолдиқ намоён бўлган тақдирда кўшимча дори-дармонлар ва реабилитация даволаш чоралари). Диагностика ва психофармакотерапия алгоритмларини жорий этиш ремиссияларнинг давомийлиги ва сифатини оширади, беморларнинг ҳаёт сифатини оширади ва шу билан касалхонага ётқизиш частотасини, касалхонада қолишни, хуружларни камайтириш ва қиммат дори воситалари харажатларини қисқартиради.

Беморларда даволаш харажатларини камайтиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш (қимматроқ антипсихотикларни буюриш ёки бир нечта антипсихотикларни қўллаш зарурати йўқолади).

Хулоса: шундай қилиб, бир беморни касалхонада даволаш ўртача 10,9 млн. сўмни ташкил этади, шунингдек, бундай беморларни амбулатор даволаш учун ўртача 4,7 млн. сўм сарфланади (*Андижон вилоят психоневрология диспансери 2023 йил (йиллик) бухгалтерия ҳисоботларига асосан*), эпизодик шизофрениянинг ўткир хуружларининг олдини олиш, касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш ва ремиссия муддатини кўпайтириш, ўз навбатида, ҳар бир беморга сарфланаётган маблағларнинг 2 баробар тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилади, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган; тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш, нашр этиш тўғрисида, тадқиқот натижалари ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** – «Хуружсимон (эпизодик) турда кечувчи шизофрениянинг прогнози ва натижалари билан боғлиқ муаммонинг

замонавий ҳолати» - диссертация мавзусига оид халқаро тадқиқотларнинг изчил таҳлилини тақдим этилади. Эпизодик шизофрениянинг клиник турларини тавсифлашнинг аҳамияти билан бир қаторда ремиссияларнинг клиник типологияси ва уларнинг беморларни ижтимоий ва меҳнат реабилитацияси билан боғлиқлиги катта аҳамиятга эга. Ушбу бобда масаланинг аҳамияти ҳақидаги илмий далиллар ва кейинги илмий тадқиқотлар зарурлигини кўрсатувчи қарама-қарши фикрлар акс эттирилган.

Иккинчи боб – «Материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари» - текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ҳақида маълумотни ўз ичига олади, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотни тавсифлайди. Андижон вилояти психоневрология диспансерида рўйхатга олинган, Андижон шаҳрида яшовчи, касаллиги 20 йилдан ортиқ давом этган эпизодик шизофрения билан оғриган 322 нафар бемор клиник-эпидемиологик, клиник-анамнестик, клиник-катамнестик ва клиник-психопатологик текширувдан ўтказилди. (1-расм).




1-расм. Беморларнинг шизофрения жараёнининг шакллари бўйича тақсимланиши

154 (47,8%) беморда эпизодик ремиттирловчи шизофрения (ЭРШ) ташхиси қўйилган, улардан 78 (50,6%) эркаклар, 76 (49,4%) аёллар, 168 нафар беморда (52,2%) ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения ташхиси қўйилган, улардан 84 (50,0%) эркаклар, 84 (50,0%) аёлларни ташкил этади.

Касалликнинг узоқ давом этиши шизофрения шаклини катта аниқлик ва етарлича ишончлилик билан ҳукм қилиш имконини беради.

Шунга кўра, беморлар касалликнинг узоқ давом этиши билан ажралиб турди, улар 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган: бунда 20-29 ёш - 222 (69,9%) бемор, 30-39 ёш - 72 (22,3%) бемор. 40 ёш ва ундан кўп - 28 (8,7%) бемор. (2-расм)



2-расм. Ўрганилаётган беморларда касалликнинг давомийлигининг қиёсий таҳлили

Текширув вақтида ўрганилган беморларнинг ёши 28 ёшдан 80 ёшгача бўлган. Текширилаётган популяциядаги беморларнинг асосий қисмини ўрта ёшлилар ва қариялар ташкил этди: 209 (64,9%) бемор 50 ёшдан ошган (бу ушбу беморларнинг касаллигини узоқ давом этиши билан боғлиқ). Текширув вақтида ёш гуруҳлари ва беморларнинг жинси ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади, ЎБНЭШда 60 ёш ва ундан катта ёшдагилар бундан мустасно, бу ерда эркаклар сезиларли даражада устунлик қилади.

Шахснинг ижтимоий ва преморбид хусусиятлари мажмуасига қуйидагилар киради: ирсият, преморбид, экзогения, касалликнинг бошланиш ёши, таълим даражаси, касбий малакаси, касалликнинг бошланиши пайтидаги беморларнинг оилавий аҳволи.


Қуйидаги клиник мезонлар қўлланилди: касалликнинг бошланиши табиати, клиник хусусиятлар ва манифест хуружининг давомийлиги, биринчи ремиссиянинг клиник хусусиятлари ва хуружлар сони.

Бундан ташқари, биз эпизодик шизофрения (ЭШ) ривожланишининг 3 та даражасини аниқладик, улар учта гуруҳга бирлаштирилди: **A** - суст прогредиент (кулай-I); **B** - ўртача прогредиент (ўртача - II); **C** - ифодаланган прогредиент (нокулай - III).

Ижтимоий мезон сифатида биз М.Л.Аграновский (1992) томонидан таклиф қилинган ижтимоий ва меҳнатга мослашиш даражаларидан фойдаландик: **I даража** - бир хил даражадаги ижтимоий ва меҳнатга мослашиш (касалликдан олдинги каби); **II даража** - ижтимоий мослашувнинг қисқариши (чекланган ижтимоий алоқалар, ижтимоий ҳаётдан ажралиб туриш, умумий манфаатлар доирасини торайтириш) ва шу билан бирга профессионал (малакани ва касбий манфаатларни бир хил даражада ушлаб туриш); **III даража** - ижтимоий ва касбий мослашувнинг пасайиши (малаканинг пасайиши, касбий қизиқишларнинг йўқолиши, иш қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши). **IV даража** - Декомпенсацияланган («касалхона» тури).

Диссертациянинг учинчи – «Эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг ижтимоий преморбид шахсий хусусиятлари комплексининг амалий аҳамияти» **бобида** «ижтимоий-преморбид» шахс хусусиятлари комплексини батафсил тавсифланган. Ушбу комплекс касалликнинг бошланиши давридаги беморларнинг характерологик хусусиятлари, ирсияти, ёши, маълумоти, малакаси ва оилавий аҳволини ўз ичига олади.

Ирсият оғирлашишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, руҳий касалликлар билан итсият оғирлашиши (3-расм) 236 (73,3%) беморда (мос равишда 32,6% - 40,7%) аниқланган, улардан 120 (37,3%) шизофрения билан касалланган (мос равишда 31,8% - 42%), бошқа руҳий касалликлар - 116 (36,0%) беморларда (мос равишда 36,4% - 35,7%).



3-расм. Тематик беморларнинг ирсият оғирлашишининг қиёсий тавсифи

Руҳий касалликлар билан ирсиятнинг оғирлашиши ва ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди, бу эса ноқулай прогностик омил ҳисобланади.


86 (26,7%) беморда (мос равишда 31,8% - 22,0%) қариндошлар орасида ирсият оғирлашиши бўлмаган ва бу эпизодик ремиттирловчи шизофренияда анча тез-тез қайд этилган. Қариндошлар орасида шизофрения касаллиги билан ирсиятнинг оғирлашиши, аксинча, ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения билан кўпроқ боғлиқ бўлиб, бу, ушбу омилнинг ноқулай аҳамиятини кўрсатади.

Биринчи даражали пробандлар қариндошлари ўртасида ирсият оғирлашиш кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилинганда у 22,5% ни ташкил қилди ва эпизодик ремиттирловчи шизофрения билан оғриган беморларнинг қариндошлари орасида сезиларли даражада паст эканлиги аниқланди.

Ўрганилаётган беморларнинг ота-оналари орасида руҳий касалликларнинг частотаси 29,3%, болалар орасида - 20,3%, ака-ука ўртасида - 20,0. Бундан ташқари, касалликнинг иккала шаклидаги кўрсаткичларнинг нисбати ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг, ҳам ота-оналар орасида (мос равишда: 22,9 ва 35,1, $p < 0,05$) ва ҳам ака-ука ўртасида (мос равишда: 14,7 х 24,8%, $p < 0,05$) ва бу фарқ айниқса болалар орасида (мос равишда: 12,9% ва 31,7%, $p < 0,001$) сезиларли даражада намоён бўлган.

Биринчи даражали қариндошлардаги рухий касалликлардан энг кўп тарқалгани шизофрения бўлиб - 7,3% ва бу ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения учун кўпроқ хос бўлган.

Эпизодик шизофрения билан касалланган беморларнинг преморбид шахс хусусиятларига кўра тақсимланишининг қиёсий таҳлилида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланди. 120 (37,3%) беморларда преморбидда патологик белгилар мавжуд эмас эди ва бу ЭРШ билан оғриган беморларда сезиларли даражада тез-тез кузатилди, қолганларнинг барчасида маълум патологик белгилар мавжуд эди (4-расм). Энг катта гуруҳ преморбидда шизоид характерли (заиф, сезгир, реактив лабил шахслар, невротик реакцияларга мойиллик кўрсатадиган, хаёлпараст, психоэстетик нисбатга эга ёки ҳиссий жиҳатдан совуқ, мулоқотсиз ва регид, монотон ҳаракатлар ва унга нисбатан ҳаддан ташқари баҳоланган муносабат билан) бўлган беморлардан иборат эди. - уларнинг сони 117 (36,3%) ва ЎБНЭШда сезиларли даражада кўп.



4-расм. Касалликнинг бошланишида шахсий хусусиятларнинг қиёсий тавсифи

Беқарорлик, кўзғалувчанлик, кўполлик, ҳаракат кўзғалишлари, фантастика ва бўрттиришга мойиллик ва майл бузилишлари кўринишидаги эксплозив характер хусусиятлари 31 (9,6%) беморда кузатилган ва ЎБНЭШ билан оғриган беморларга хос бўлган ($p < 0,05$).

16 (5%) беморда аниқланган ташвишли-шубҳали табиат кўринишидаги психоастеник белгилар касалликнинг иккала шаклида ҳам бир хил даражада аниқланган. Биполяр ва монополяр аффектив кўринишлар билан намоён бўлган циклоид турдаги шахслар 13 (4,0%) беморда, лекин ЭРШда кўпроқ аниқланган. Шизоид типдаги астеник шахслар 7 (2,2%) беморда ва ЭРШда кўпроқ мавжуд.

Ташаббуссиз шахслар кўпинча иккала шаклда ҳам деярли бир хилда аниқланган- 9 (2,8%) бемор, булар суст, пассив, инстинктлари, ҳиссий реакциялари ва қизиқишлари камбағал, шунингдек, "намунали болалар", итоаткор, болаларча эҳтиёткорлик билан. Эҳтиёткорлик; ҳам психофизик, ҳам

аклий етуклик устунлиги бўлган инфантил шахслар - 5 (1,6%) бемор, истерик шахслар - 4 (1,2%) беморда кузатилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, преморбидда патологик белгиларнинг йўқлиги ёки тимопатик ва астеник белгиларнинг мавжудлиги қулай прогностик омил бўлиб, шизоид (биринчи навбатда) ёки эксплазив характер белгиларининг мавжудлиги эпизодик шизофрения билан оғриган беморлар учун ноқулай прогноз омилидир.

Эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг тақсимланишини қиёсий таҳлил қилишда касаллик кўпинча эрта ўрта ёшда (41,3%), шунингдек, ўсмирлик даврида (29,5%) бошланганини кўрсатди. Камроқ, касаллик ўсмирлик даврида (12,7%) ва иккинчи ўрта ёшда (11,5%) бошланади. Ва фақат 16 (5,0%) бемор болалик даврида касал бўлганлиги аниқланган. Бундан ташқари, болалик ва ўсмирлик даврида касалликнинг эрта бошланиши кўпинча ЎБНЭШ билан боғлиқ бўлди.

Касалликнинг ўз-ўзидан бошланиши 134 (41,6%) беморда, кўпинча ЭРШда кузатилган. 188 (58,4%) беморда касалликнинг экзоген кўзғатилган бошланиши қайд этилган, лекин кўпинча ЎБНЭШ доирасида. Экзогениялар орасида энг катта улуш психогенияга тегишли - 19,8%, кейин инфекциялар тахминан бир хил частотада содир бўлган - 8,4%, аёлларда ҳомиладорлик ва туғиш - 8,4%, эркакларда алкоголизм (гиёҳвандлик) - 8,4%, бу кўпроқ ЎБНЭШда кузатилди. Экзогениянинг биргаликдаги таъсири 6,4% ҳолларда қайд этилган ва ҳар бирида 3,4% ҳолларда соматогения ва бош мия шикастланиши касалликнинг бошланишига сабаб бўлган. ЭРШнинг психоген дебюти бўлган гуруҳдаги аёлларнинг, шунингдек, шизофрениянинг иккала шакли дебютида алкоголизм ва гиёҳвандлик таъсири остида бўлган эркакларнинг сезиларли даражада устунлиги характерлидир.

Психогения сифатида биз тўсатдан ва оғир руҳий жароҳатлар - руҳий ҳолатнинг ўзгариши билан кузатилган ёки ўша вақтга тўғри келган яқинларнинг ўлими, табиий офатлар, қутилмаган бахтсизликлар, фалокатлар, жисмоний ва руҳий фаровонликка таҳдид соладиган вазиятлар, келажакка таҳдид, ишдаги ва оиладаги жанжал ва низоларни кўриб чиқдик.

Ўткир инфекциялар кўпинча грипп юқори иситма, томоқ оғриғи, туғруқдан кейинги сепсис, менингит, эпидемик гепатит шаклида ва сурункали инфекциялар эса сил ва ревматизм кўринишидаги учраган.

Эпизодик ремиттирловчи шизофрения билан оғриган беморларнинг касалликнинг бошланиши вақтидаги таълим даражаси бўйича тақсимланиши эпизодик, ўсиб боровчи нуқсон билан кечучи шизофрения билан оғриган беморларнинг таълим даражасидан сезиларли даражада фарқ қилади. ЭРШ билан оғриган беморлар орасида касалликнинг бошланишида олий ва тўлиқ бўлмаган олий, ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар анча кўп бўлган (мос равишда: 20,8% ва 10,1%, $p < 0,05$; 33,8% ва 12,5%, $p < 0,05$) ва ЎБНЭШ билан оғриган беморлар орасида тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотга эга бўлмаган шахслар (мос равишда: 24,0% ва 52,4%, $p < 0,05$) кўполқ учраган.

Шундай қилиб, ЭРШ билан оғриган беморлар учун қулай омил - бу олий ва тўлиқсиз олий маълумот, ЎБНЭШ билан оғриган беморлар учун эса - ўрта

ва ўрта махсус таълим. Ва тўлиқ бўлмаган ўрта таълим ЭРШ ва ЎБНЭШ билан оғриган беморлар учун ноқулай омил ҳисобланади.

Ўрганилаётган гуруҳларда таълимнинг характерини ўрганиш, ЭРШ гуруҳида таълим даражаси бўйича тақсимланиш деярли тенг бўлганлиги, унчалик катта бўлмаган фарқлар (мос равишда 20,8% ва 33,8%, 21,3% ва 24,0%) аниқланди.

ЎБНЭШ гуруҳида, аксинча, таълимнинг паст даражаси сезиларли даражада устунлик қилди - "Тўлиқ бўлмаган ўрта таълим" - 88-52,4%. Ушбу патологияларнинг шаклланишининг энг муҳим нисбий хавфи "Олий ва тўлиқ бўлмаган олий" ва "ўрта ва ўрта махсус" маълумотли гуруҳларда кузатилади.

Касалликнинг бошланиши пайтида беморларнинг малака даражасини таҳлил қилишда эпизодик шизофрениянинг иккала тури учун умумий ва махсус корреляциялар аниқланди.

ЭРШда касалликнинг бошланишида ақлий меҳнат билан шуғулланадиган беморлар кўпроқ (мос равишда: 51,3% ва 13,1%, $p < 0,05$), малакасиз жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган беморлар эса ЎБНЭШ да (мос равишда: 14,3% ва 47,0%, $p < 0,05$).

Касбий малака даражасининг ролини баҳолаганда, нисбий хавф ақлий меҳнат билан шуғулланадиган одамларда ва аҳамиятсиз - малакали жисмоний меҳнатга эга бўлган одамларда кузатилади.

Касалликнинг бошланиши пайтида эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг оилавий аҳволи бўйича умумий тақсимот кўрсаткичлари ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди. Эпизодик шизофрения билан оғриган беморлар орасида турмуш қурган беморларнинг сони сезиларли даражада юқори (мос равишда: 44,2% ва 10,1%, $p < 0,001$), ЎБНЭШ билан оғриган беморларда ажрашган ва бева қолган беморларнинг сони сезиларли даражада юқори (мос равишда: 7,1% ва 44,6%, $p < 0,001$).

ЭРШ билан оғриган беморлар учун касалликнинг бошланиши пайтидаги оилавий ҳолат омили прогностик аҳамиятга эга: турмуш қурган беморларда ижобий прогноз, турмуш қурмаганлар эса ривожланиш учун ноқулай прогнозга эга бўлган.

Эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг ижтимоий ва меҳнатга мослашуви учун оиланинг тўлиқлиги, яъни бемор яшайдиган оиланинг таркиби каби оила ва уй ҳўжалиги мослашувининг кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Беморларнинг ушбу гуруҳининг оила таркибини ўрганиш уларнинг ижтимоий мослашувини баҳолаш учун ҳам, беморларнинг яшаш шароитларини ва аҳолининг уларга нисбатан бағрикенглигини тавсифлаш учун ҳам катта аҳамиятга эга.


Касалликнинг узок давом этиши билан кечган эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг "ижтимоий преморбид" шахс хусусиятлари мажмуасини қиёсий клиник ва эпидемиологик ўрганиш шизофрениянинг иккала турига хос бўлган ва ҳар бири учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган эрта прогнознинг ишончли муҳим мезонларини аниқлашга имкон берди.

Бинобарин, эпизодик шизофрения дебютининг ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитлар ирсият оғирлашишининг йўқлиги, преморбиднинг "нормал" тури, ёши каттароқ ва касалликнинг ташқи таъсирларсиз бошланиши

хисобланади. Шизофрения билан ирсиятнинг оғирлашганлиги, шизоид турдаги преморбид, касалликнинг эрта бошланиши ва касалликнинг экзогения натижасида бошланиши (айниқса, алкоголизм, гиёҳвандлик, инфекциялар ва уларнинг биргаликдаги таъсири) кейинги ЎБНЭШ билан боғлиқ, яъни у эпизодик шизофрения прогнози учун ноқулай мезондир.

Диссертациянинг «Эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг клиник прогнозини аниқлаш учун клиник омиллар мажмуаси» деб номланган тўртинчи бобида эпизодик кечувчи шизофрениянинг эрта клиник прогнози аниқлашда касалликнинг 1-цикли клиник омиллар мажмуасининг роли ўрганилган.

Клиник омиллар сифатида қуйидагилар ўрганилди: дебютнинг табиати, дастлабки (манифест) хуружнинг клиник хусусиятлари ва давомийлиги, биринчи ремиссиянинг клиник хусусиятлари ва давомийлиги, бошдан кечирилган хуружларнинг клиник хусусиятлари ва сони, кейинги ремиссияларнинг клиник хусусиятлари ва давомийлиги, текшириш вақтидаги ҳолати.



5-расм. Касалликнинг бошланишининг қиёсий таҳлили

Эпизодик шизофрения билан оғриган беморларда касаллик бошланишининг тақсимланишини қиёсий таҳлил қилишда (5-расм) касалликнинг ўткир бошланиши 223 беморда (69,3%) кузатилганлиги ва сезиларли даражада кўплиги аниқланиб, кўпроқ ЭРШда аниқланди (мос равишда: 80,5% -58,9%).

Шуниси эътиборга лойиқки, кўп ҳолларда шизофрениянинг иккала шаклида ҳам касаллик ўткир хуруж билан бошланган.

Касалликнинг астено-невротик, тимопатик, психопатик ва бошқа негатив бузилишлар билан бошланиши 99 (30,7%) беморларда ва аксинча, кўпинча ЎБНЭШ (мос равишда: 19,5% - 41,1%), бу касалликнинг бошланиши табиатининг нисбий диагностик қийматини кўрсатади.

Касалликнинг негатив бузилишлар билан бошланиши 7 (2,2%) беморда (мос равишда: 1,3 ва 3,0%), астено-невротик - 45 (14,0%) беморларда (мос равишда: 10,4 ва 16,1%), субаффектив - 26 (8,1%) беморларда (мос равишда:

6,5 ва 10,9%) ва психопатсимон - 21 (6,5%) беморларда (мос равишда: 1.3% ва 11,9%), $p < 0,01$) кузатилди. Касалликнинг иккала шаклида ҳам бошланиш характери қиёсий таҳлил қилишда ЎБНЭШдаги касаллик кўпинча инициал бузилишлар билан бошланганлиги аниқланди. Касалликнинг ўткир бошланиши эса ЭРШда тез-тез кузатилди.

Шундай қилиб, касалликнинг ўткир психотик хуруж билан бошланиши қулай омил бўлиб, касалликнинг инициал бузилишлар билан бошланиши ЭШнинг клиник прогнозини аниқлаш учун ноқулай омил ҳисобланади.

Клиник омилларнинг намоён бўлиш хавфи ва биринчи ремиссияни шакллантиришдаги роли масаласи очик қолмоқда, гарчи индивидуал омилларнинг ва биринчи навбатда экзоген омилларнинг роли жуда яхши ўрганилган.

Дастлабки (манифест) хуружнинг клиник кўринишини қиёсий таҳлил қилиш. 1-жадвал.

Дастлабки (манифест) хуружнинг клиник кўриниши	Эпизодик ремиттирловчи шизофрения (n-154)		Ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения (n-168)		ЖАМИ	
	абс	%	абс	%	абс	%
Депрессив	35	23.4	16	9.5	51	15.6
Атипик депрессия	44	28.6	34	20.2	78	24.5
Маниакал	17	11.0	6	3.6	23	6.6
Атипик мания	14	9.1	13	7.7	27	8.1
Қўш аффектив	6	3.9	5	3.0	11	3.2
Онейроид	35	22.7	27	16.1	62	19.6
Галлюцинатор-васваса	-	-	38	22.6	38	12.9
Параноид	-	-	17	10.1	17	5.2
Катотоник	-	-	9	5.4	9	2.6
Маълумот йўқ	3	1.9	3	1.8	6	1.8
ЖАМИ:	154	100,0	168	100,0	322	100,0

Дастлабки хуружни ривожланиш хавфини ва биринчи ремиссияни шаклланишини клиник омилларини таҳлил қилишда биз "хужум-ремиссия" цикли тушунчасидан фойдаландик.

Кўпинча, ЭШнинг аниқ эпизод клиник тури (1-жадвал) депрессия белгилари билан чекланган эди 15,6% (мос равишда: 23,4% ва 9,5%), бундан ташқари атипик депрессия - 24,5% (мос равишда: 28,6% ва 20, 2%) кузатилди.


Онейроид синдромлар аниқ эпизодларга қараганда икки барабар кўп учради - 19,6% (мос равишда: 22,7% ва 16,1%).

Бундан келиб чиқадики, касалликнинг бошланиши аффектив эпизодлар билан бирга келади, асосан "соф" депрессив эпизодлар, кейинчалик ЭРШ билан боғлиқ. Шизофрения спектрининг касалликлари орасида аффектив симптомларнинг яққол намоён бўлиши, айниқса, эпизодик шизофрениaning шизоаффектив вариантыга яқин бўлган шизоаффектив психозларда юқори. Иккала шаклда ҳам қўш аффектив хуружлар тез-тез учрайди; эпизодик

ремиттирловчи шизофренияда онейроид хужумлар кўпроқ учрайди. Ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения эса фақат ўткир галлюцинатор-васваса ва кататоник-параноид хуружлар билан бошланган.

Дастлабки (манифест) хуружнинг давомийлиги клиник прогноз учун анча муҳимдир. Дастлабки (манифест) хуружнинг турли муддатлари билан эпизодик шизофрения билан оғриган беморларнинг тақсимланишининг қиёсий таҳлилида (6-расм) статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланди.

133 (41,3%) беморда дастлабки (манифест) хуруж фақат 1-2 ой давом этди, кўпинча эпизодик ремиттирловчи шизофренияда. 3-4 ой давом этган хуружлар 113 (35,1%) беморда кузатилган, касалликнинг иккала шаклида ҳам бир хил даражада, 5 ой ёки ундан кўпроқ давом этган дастлабки (манифест) хуружлар 76 (23,6%) беморда кузатилган, аммо ЎБНЭШда кўпроқ учраган.




6-расм. Дастлабки (манифест) хуружнинг давомийлиги бўйича беморларнинг тақсимланишининг қиёсий таҳлили

Юқоридаги иккита омилнинг комбинацияси асосида аниқ хуружлар давомийлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЭРШда ирсияти оғирлашмаган ва тўсатдан бошланган беморлар гуруҳида хуружлар энг қисқа бўлган.

Бу касалликнинг ушбу шакли бўлган беморларнинг бошқа гуруҳлари билан солиштирганда ҳам, ЎБНЭШ билан касалланган беморларнинг ушбу тоифаси билан солиштирганда ҳам аниқланди. Дастлабки (манифест) хуружнинг энг узоқ давом этиши ЎБНЭШда кўпроқ кузатилган. Бундай беморларда қуйидагилар қайд этилди: эркакларда - алкоголизм ва гиёҳвандлик (18,0%), психогения (20,7%) ва қўшма экзогения (психогения ва алкоголизм - 5,5%), аёлларда - психогения (26,5%), инфекциялар (10,8%) ва комбинацияланган таъсирлар (5,3%). Эҳтимол, ушбу материаллар инфекциялар, алкоголизм (гиёҳвандлик) ва экзогенларнинг, шу жумладан жарроҳлик аралашувларнинг биргаликдаги таъсири каби ташқи омилларнинг ўзига хос патогенлиги ҳақидаги ҳукмни исботлайди.

Дастлабки (манифест) хуружнинг давомийлиги бўйича спонтан ривожланиш ЭРШда энг кулай ва ЎБНЭШда энг нокулай бўлиб чиқди. 167 (51,8%) беморларда ЭРШ доирасида энгил шахсий ўзгаришлар билан интермиссия ва ремиссиялар кўпроқ шаклланганлиги аниқланди. (7-расм).(мос равишда 59.7%-44.6%).




7-расм. Биринчи ремиссиянинг клиник кўриниши бўйича ўрганилган беморларнинг қиёсий таҳлили

155 (48,2%) беморда продуктив бузилишлар билан ремиссия кузатилди (мос равишда 40.3%-55.4%), лекин кўпинча ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофренияда; ремиссия давридаги 75 (23,3%) беморларда астено-невротик аломатлар кузатилди (мос равишда 24.7%-22.0%) - ремиссиянинг бу тури касалликнинг иккала шаклида тенг даражада содир бўлди. Тимопатик ремиссиялар 42 (13,0%) беморда қайд этилган, шунингдек, тахминан тенг даражада (мос равишда 11.7%-14.3%).

32 (9,9%) беморда ремиссия давридаги психопатсимон бузилишлар қайд этилган ва улар ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофрения билан боғлиқ (мос равишда 3.9%-15.5%). Ва фақат касалликнинг шу турида қолдик симптоматика билан ремиссиялар кузатилди - улар 6 (1,9%) беморда аниқланди.

2 йилдан кам давом этган ремиссия 112 (34,8%) беморда, кўпинча ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофренияда кузатилди. 3 йилдан 5 йилгача ва 6 йилдан 9 йилгача давом этадиган ремиссиялар мос равишда 95 (29,5%) ва 44 (13,6%) беморда аниқланиб, касалликнинг иккала шаклида ҳам бир хил даражада тез-тез учраши кузатилди (8-расм). Ўн йилдан ортиқ давом этган узок муддатли ремиссиялар 71 (22,0%) беморларда аниқланди, эпизодик ремиттирловчи шизофренияда кўпроқ аниқланди (8-расм).



8-расм. Текширилган беморларда биринчи ремиссиянинг давомийлиги бўйича қиёсий таҳлили.

Беморларнинг хуружлари сони таҳлили шуни кўрсатдики, улардан 141 (43,8%) нафари бирдан учтагача хуруждан азият чеккан ва бу жараённинг ремиттирловчи турига хосдир.

110 (34,2%) нафар бемор бутун касаллик давомида тўрттадан тўққизтагача хуруждан азият чекди ва бу рақам шизофрениянинг иккала шаклида ҳам бир хил даражада содир бўлди. Касаллик даврида 10 ёки ундан ортиқ хуружга учраган 71 (22,0%) беморлар бор эди ва уларнинг сони, аксинча, ўсиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофренияда сезиларли даражада устун келди.

Касалликнинг кечиб бораётган вариантларини қиёсий таҳлил қилишда регредиент варианты барча гуруҳлардаги ремиттирловчи шизофренияда, прогрессив вариант эса кучайиб бораётган нуқсонли эпизодик шизофренияда сезиларли даражада аниқланганлиги кузатилди.

